

PROFILAKTIKA INSPEKTORINING UYUSHGAN JINOYATCHILLIKA QARSHI KURASHISH FAOLIYATI

Махмудов Отабек Қобил ўғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси йўналиши бўйича таълим олаётган 310-гуруҳ курсанти*

Аннотация: Битирув малакавий ишида профилактика инспекторининг жиноий уюшмалар шаклланишининг олдини олиш фаолиятининг йўналишлари, жиноий уюшмаларнинг криминологик тавсифи ва унинг ижтимоий хавфлилиги, профилактика инспекторининг жиноий уюшмалар шаклланишининг олдини олиш фаолиятининг ташкилий, ҳуқуқий асослари, ҳамда жиноий уюшмалар шаклланишининг олдини олиш фаолиятини ташкил этишнинг бугунги ҳолати ва такомиллаштириш йўналишлари шунингдек профилактика инспекторининг жиноий уюшмалар шаклланишининг олдини олиш фаолиятини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч тушунчалар: Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, Жиноятчилик, Жиноий уюшма, Уйушган гуруҳ, Такрорий жиноят содир этиш.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» тўғрисидаги қонунида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш механизми белгилаб қўйилган. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ўз навбатида профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси доирасида аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғиботни ташкил этишда ички ишлар органларининг бошқа соҳа хизматлари билан ҳамкорликда фаолиятни амалга ошириш каби вазифаларни белгилаб берди¹. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида «жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш»² каби вазифалар назарда тутилган. Бу эса республикамизда ички ишлар органлари маҳалла ҳуқуқ тартибот масканида илғор тажрибалар, иш усуллари ва инновацион технологияларни жорий этиш, улар фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-методик, моддий-техник жиҳатдан ва малакали кадрлар билан таъминлашни такомиллаштириш, маҳалла ҳуқуқ тартибот маскани негизида ўзаро мақсадли ҳамкорликни ташкил этишда жамоатчилик тузилмалари иштирокининг самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Ҳар қандай жамиятда доимо жиноят содир этаётган шахсларга уларнинг

бундай йўлни тақозо этган жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги воқеъа, ҳодиса ва жараёнларнинг руҳий таъсири билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш энг асосий ва долзарб муаммолардан бири бўлиб келган². Хусусан, ҳар қандай жиноят ўзига хос бўлган аломат ва белгилар йиғиндиси билан таърифланади.

жиноий уюшма тушунчасига тариф берадиган бўлсак, жиноий уюшмадеб – Икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма деб топилади. Жиноий уюшма шаклланиши деганда эса бир ёки ундан ортиқ ёхуд бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш, уни амалга ошириш мақсадида хуфиёна режалар тузиш, бажарувчи ва иштирокчиларни танлаш, уларга вазифа белгилаш, шунингдек, ушбу жиноятни содир этишнинг усули, жойи, вақтини белгилашга қаратилган жиноий хатти-харакатларни тушуниш мумкин.

Жиноий уюшма шаклланиши ўз навбатида жиноий уюшма ва жиноий гуруҳлар фаолиятининг шаклланиши ва уларнинг жиноий фаолият олиб

боришини тақозо этади. Жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан айтганда, икки ва ундан ортиқ жиноий гуруҳларнинг бирлашиши жиноий уюшмаларнинг шаклланишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 242-моддасига кўра, “Жиноий уюшма ташкил этиш, яъни жиноий уюшма шаклланиши ёхуд унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек, уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолият билан шуғулланиш ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади” деб белгиланган¹.

Уюшган қуролли гуруҳ тузиш, шунингдек унга раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этиш - ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Айтиш керакки, ушбу гуруҳларнинг жиноятлар содир этишида иштирокчилиги оддий, мураккаб, уюшган гуруҳ, жиноий уюшма шаклланиши шаклида бўлади:

- Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашиши оддий иштирокчилик деб топилади.
- Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок қилиши мураккаб иштирокчилик деб топилади.
- Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади.
- Икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма деб топилади.

–Шунга асосан айнан шу жиноятнинг криминологик тавсифини кўриб чиқамиз.

–Криминологик адабиётларда гуруҳий жиноятчиликнинг белгилари ҳақида турли фикрлар билдирилган бўлсада, қуйидаги фикрлар, бизнингча уни тўлиқ ифодалайди:

Шунга асосан айнан шу жиноятнинг криминологик тавсифини кўриб чиқамиз.

Криминологик адабиётларда гуруҳий жиноятчиликнинг белгилари ҳақида турли фикрлар билдирилган бўлсада, қуйидаги фикрлар, бизнингча уни тўлиқ ифодалайди:

- а) гуруҳнинг мавжудлиги;
- б) унинг ўзига хос тизимга эга эканлиги;
- в) мақсади;
- г) жиний хатти-ҳаракатларни амалга ошириш усуллари;
- д) жиний гуруҳнинг хавфсизлигини таъминланиши¹.

Жиний уюшма шаклланиши гуруҳга бирлашиб жиноят содир этишнинг жамият учун жиддий хавф туғдирадиган шакли жиний уюшма шаклидир. Амалдаги жиноят кодексида жиний уюшмани ташкил этган ва ушбу жиноятларни содир этган шахсларга тегишли жазо чоралари белгиланган.

Мазкур жиноят бўйича зарурий режалар тузишда муҳим йўналтирувчи манба сифатида бу жиноятни олдини олиш йўналишини аниқлашдан иборат бўлиб, қандай шахслар доираси ичида жиноятчиларни қидириш кераклигини белгилайди. Гуруҳий жиноятига оид маълумотлар, бу жиноят қачон бўлганлиги, тажовуз кимга ва нимага қандай шароитларда амалга оширилиши ва тажовуз предмети сифатида нима бўлганлигини аниқлаш мумкинлигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда олимларнинг изланишлари ва кўп йиллик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қизиқишлари, манфаатлари, дунёкарашлари бир-бирига яқин бўлган шахслар гуруҳларга бирлашиб келганлар. Кишининг жиний ҳулқи ҳам бундай хусусиятдан мустасно эмас. Шунинг учун ҳам, жиноят қонунида гуруҳ бўлиб жиноят содир этиш учун жавобгарликни белгиловчи алоҳида қоидалар белгиланган.¹

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўша вақтда келтирган маълумотларига кўра, ички ишлар органларининг “уюшган жиноятчиликка қарши кураш” хизмати томонидан 1992 йили 1729 жиний уюшма ва гуруҳлар фош қилинган. Бу гуруҳ ва уюшмаларнинг аъзолари томонидан 54та қасдан одам ўлдириш, 138 та босқинчилик ҳужуми ва кўплаб талончилик ва товламачилик жиноятлари содир этилган. Шундай жиний гуруҳ ва уюшмаларда қатнашган 4 мингдан ортиқ шахс жиний жавобгарликка

тортилган. Олиб борилган тезкор ва кескин чоралар туфайли фақат Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидагина 163 та жиноий уюшма тугатилган, 28 та жиноий авторитетлар ва жиноий уюшма раҳбарлари жиноий жавобгарликка тортилган².

Жиноятларнинг олдини олиш шуниси билан ҳам афзалки, жиноят содир этган шахснинг жазоланиши муқаррарлигини таъминлаш учун сарфланадиган харажатдан анча кам харажат қилиниши билан бирга, инсонни, айниқса ёшларни жамиятда ўз ўрнини топишга, ҳаётда атрофидаги кишилари, бошқа инсонлар ва жамият учун фойдали бўлган фаолият билан шуғулланишга ундайди ҳамда уни амалга оширишда кўмаклашади³.

Криминология соҳасидаги олимлар ҳам жиноий уюшманинг белгиларини таърифлаб ўтганлар. Жиноий уюшманинг кўзга яққол ташланиб турадиган кўпгина белгиларини ажратган олимлар – А. Н. Волобуев ва Е. Б. Галкиннинг фикрича, жиноий уюшма қуйидаги белгилардан ташкил топади:

- ташкилий-бошқарув тизимининг мавжудлиги;
- жиноий уюшмаларда юқори табақанинг ажралиб туриши, уларнинг бошқарув ҳамда мафкура ишларини олиб бориши туфайли ҳаракатнинг аниқ бир жиноятга дахлдор бўлмаслиги ва шунинг учун жавобгарликдан ва қонунлардан ташқари бўлган ҳаракатлари учун жазоланмаслиги;
- ягона тартиб-интизом ва жазолаш қоидаларининг мавжудлиги;
- жиноий фаолиятнинг доимо режали асосда олиб борилиши, ягона мақсаднинг мавжудлиги ва кўпроқ фойда олишга интилиш;
- жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи идораларнинг режаларини аниқлаб, уларга қарши чоралар кўриш;
- жиноий фаолият соҳасини кенгайтиришга интилиш, унга яққаҳоқимлик қилиш, «яширин бозорга» гиёвандлик воситаларини, порнография маҳсулотларни ва фоҳишабозлик хизматларини чиқариш ҳамда улар устидан назорат олиб бориш ва бошқалар;
- жиноий йўл билан топилган бойликларни қонунийлаштириш йўлларида фойдаланиш;
- жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган жиноий уюшма аъзоларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш;
- жамиятдаги жиноий уюшмаларга қарши курашувчи кучларни иккинчи даражали муаммоларни ҳал этишга йўналтириш орқали чалғитиш.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда профилактика инспекторларининг Жиноий уюшмалар шаклланишининг олдини олиш фаолиятини такомиллаштириш борасида қуйидаги камчилик ва муаммоларга дуч келинмоқда:

1. Профилактика инспекторлари томонидан мамурий назорат ўрнатилган

ва профилактик ҳисобда турувчи шахслар билан якка тартибдаги профилактик ишларни етарли даражада олиб борилмаётганлиги. Бу эса ўз навбатида илгари судланган шахслар томонидан қайта жиноят содир этилишига ва жиноий уюшмалар шаклланишига олиб келмоқда.

2. Ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ва жиноят содир этган шахсларнинг ҳисобини юриштиришнинг етарлича ташкил этилмаганлиги ва тарбиявий таъсир кўрсатиш ишлари олиб борилмаётганлиги, уларни ахлоқан тузатиш, уларда ижтимоий ҳаётга мос хулқ-атвор ва турмуш тарзини шакллантириш ҳамда назорат қилиш мақсадида жамоатчилик билан ҳамкорликни йўлга қўйилмаганлиги.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйдаги **таклифларни** келтириб ўтишимиз мумкин:

Биринчидан; Профилактика инспекторлари томонидан мамурий назорат ўрнатилган ва профилактик ҳисобда турувчи шахслар билан якка тартибдаги профилактик ишларни етарли даражада олиб бориш ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишга хизмат қилади. Бу эса, мамурий назорат ўрнатилган ва профилактик ҳисобда турган шахслар томонидан қайта жиноят содир этилиши ҳамда жиноий уюшмалар шаклланишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан; Ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ва жиноят содир этган шахсларнинг ҳисобини юриштириш, тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали уларни ахлоқан тузатиш, уларда ижтимоий ҳаётга мос хулқ-атвор ва турмуш тарзини шакллантириш ҳамда назорат қилиш мақсадида жамоатчилик билан ҳамкорликни тўғри ташкил қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // URL:<https://lex.uz/uz/docs/-6445145>;<https://lex.uz/>
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // URL:
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL:<https://lex.uz/>
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // URL:<https://lex.uz/>
5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // URL: <https://lex.uz/>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний

манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон Фармони // URL: <http://www.lex.uz>.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли қарори // URL: <http://www.lex.uz>.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси булинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2896-сонли қарори // URL: <http://www.lex.uz>.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибini сақлаш, хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги 3528-сонли қарори // URL: <http://www.lex.uz>;
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5325-сонли фармони // URL: <http://www.lex.uz>;